

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 821.512.133

Жўраева Гулноза Ахматовна

**ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА
ХАЖВИЙ ОБРАЗ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ**

(XX асрнинг 80 – 90 - йиллари материаллари асосида)

10.01.01 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2010

Тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
Хозирги ўзбек адабиёти кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

филология фанлари номзоди, доцент

ҚАҲРАМОНОВ Қурдош Ялғашевич

Расмий оппонентлар:

филология фанлари доктори

КАРИМОВ Баҳодир Нурметович

филология фанлари номзоди

БАРАКАЕВ Раҳматулла

Етакчи ташкилот:

Фаргона давлат университети

Ҳимоя 2010 йил 22 декабрь кунин соат 14 00 да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти хузуридаги Д 015.04.01 рақамли фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича ихтисослашган кенгаш йиғилишида бўлади.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-уй.

Автореферат 2010 йил 10 май да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, филология фанлари
доктори, профессор

М.Жўраев



ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг республика маданий ҳаётида ўзига хос маънавий муҳит майдонга келди. Бу жараёнда ижод аҳлининг ўткир сўзи алоҳида аҳамият касб этиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очилди билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёшларнинг башариатнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнатга, меҳр-оқибатга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”¹ – деб таъкидлайди. Фарзандларимизнинг “Биздан кўра билимли, аклли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари керак”лиги ҳам шунчаки шиор бўлмай, давлатимиз раҳбарининг ёш авлодга чинакам гамхўрлиги нишонасидир.

Халқимиз азал-азалдан фарзандларининг ҳар томонлама соғлом, етук инсонлар бўлиб етиштиларини кўзлаб иш юритган. Бу борада турли тарбия воситаларидан, шу жумладан, сўз санъатидан ҳам самарали фойдаланган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ижод эркинлиги учун кенг имкониятлар пайдо бўлди; ёшлар ва шоирлар ижодий биографиясида янги саҳифалар очилди. Ҳозирда яратилаётган бадиий асарлар моҳият эътибори билан шўро давридаги ижод намуналаридан фарқланиши табиий. Айни пайтда, адабиётшунослик илми ҳам адабиётимиз тарихи, хозирги адабий жараёни тадқиқ этишда миллий гоя, миллий кадриятлар, жаҳон илм-фандаги илғор методларга таяниб иш кўра бошлади.

Маълумки, XX асрнинг 80–90-йиллари, яъни истиқлол арафасида ёзилган бадиий асарларда ўзига хос адабий-эстетик пафос мужассам. Хусусан, бу давр ўзбек болалар шеърлятида ҳажвий образлар галереясини кузатиш мумкин. Зеро, ҳажвий асарлар моҳиятан кўзгута ўқшайди: унда ҳар бир киши муайян маънода ўзини кўради, характеридаги баъзи салбий жиҳатларни тезроқ баргараф этишга киришади. Шунингдек, ёш китобхон ҳажвий асарлар орқали эзулик билан ёвузликни, гўзаллик билан хунукликни, диёнат билан имонсизликни, тўғрилик билан эгриликни бир-биридан ажрата олиш имкониятига янада кўпроқ эга бўлади. Бинобарин, ҳажвий асар табиғати хос бўлган кулли орқали фош қилиш санъати болаларга дўқ-пўписа ёки насихатдан кўра кучлироқ таъсир кўрсатади. Болалар бундай асарларни ўқиш билан ўзларидagi мавжуд иллаглардан огоҳ бўлади ва турли ноҳўя ҳагги-ҳаракатлардан тийилади. Адабиётшуносликда ҳажвий асарлар талқинига доимо жиддий эътибор қаратиб келинишининг асосий сабабларидан бири ҳам шундадир. Айниқса, баркамол авлод масаласига давлат миқёсидаги вазифа сифатида қаралаётган бугунги кунда маънавий маданиятимиз ва умумий тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган иллатларни бадиий сўз воситасида фош этиш санъатини илмий асосда

¹ Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 11-12.

ўрганиши хар доимгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади. Колаверса, муайян бир давр болалар адабиётининг ўзига хос – индивидуал хусусиятларига илмий-назарий баҳо бериш ҳамда адабий жамоатчиликда аниқ ва теран тасаввур пайдо қилиш ҳам мазкур диссертацион ишнинг долзарблигини кўрсатади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек болалар шеърятига ҳажвийлик муаммоси тадқиқига бағишланган биргина номзодлик диссертацияси мавжуд бўлса-да¹, бу масалага у ёки бу даражада муносабат билдирилган бир қатор диссертация², монографик тадқиқот³ ва рисоалар⁴ ҳам кам эмас. Уларда ўзбек болалар шеърятига қаҳрамон, бадий тил ва услуб, сатира ва юмор масалалари ижодкор маҳорати нуктаи назардан у ёки бу даражада ўрганилганини кузатиш мумкин. Бу диссертация, монография ва рисоаларда, гарчи бадий ижодга давр билан боғлиқ бир ёклама ёндашиш ҳолатлари мавжуд бўлса-да, кичкинтойлар адабиётининг бадий ўзига хослиги, тасвирнинг шартлилиги, адабий танқиднинг ушбу муаммага муносабати хусусида эътиборли кузатишлар ўз аксини топган.

Жумладан, З.Одилованинг “Ўзбек болалар шеърятига юмор ва сатира (60–70-йиллар)” номли диссертациясида ўтган асрнинг 60–70-йиллари

¹ Адылова З. Юмор и сатира в узбекской детской поэзии (60–70 годы). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – 22 с.

² Сафаров А. Шукур Савдулла – детский писатель. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1971. – 19 с.; Иришхужаева С. Специфические особенности узбекской детской поэзии. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1974. – 21 с.; Эгамов Х. Язык и стиль узбекских детских поэм. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1974. – 25 с.; Азимов И. У. Мастерство создания художественного образа в современной узбекской детской поэзии. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986. – 23 с.; Жумаев М. Проблема положительного героя в узбекских детских поэмах. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982. – 22 с.; Баракаев Р. XX аср бошларидаги ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди. Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Ташкент, 1994. – 32 б.; Турдиева К. Ҳозирги замон болалар шеърятига манъавий масаласи. Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Ташкент, 1994. – 26 б.; Ражабов Д. 80-йиллар ўзбек болалар шеърятига поэтик маҳоратнинг айрим масалалари. Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Ташкент, 1995. – 29 б.; Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси ва унинг ривожланиш тамойиллари. Филол. фанлари номзоди дисс. ... автореф. – Ташкент, 2004. – 23 б.; Ашуров Б. Туреубой Алашбоев шеърлари поэтикаси. Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Ташкент, 2008. – 156 б.

³ Ўзбек болалар адабиёти тарихи очерки. – Ташкент: Фан, 1978. – 280 б.; Ўзбек болалар адабиёти ва адабий жарён. – Ташкент: Фан, 1989. – 312 б.; Болалар адабиёти ва замонавийлик. – Ташкент: Фан, 1991. – 212 б.; Болалар олами: Ўзбек болалар адабиёти ҳақида мақолалар тўплами. К.1. – Ташкент: Ёш гвардия, 1989. – 96 б.; Қаҳрамонов К. Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти ҳақида мақолалар тўплами. К.2. – Ташкент: Ёш гвардия, 1989. – 96 б.; Қаҳрамонов К. Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти ҳақида мақолалар тўплами. К.2. – Ташкент: Ёш гвардия, 1989. – 96 б.; Баракаев Р. XX аср бошларидаги ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди. Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Ташкент: Фан, 1991. – 120 б.; Баракаев Р. Абдулла Авлоний ва ўзбек болалар адабиёти. – Ташкент: Фан, 2004. – 158 б.

⁴ Қўшқонов М. Қуддус Мухаммадий. Қўдрат Хикмат. – Ташкент, 1969. – 30 б.; Шарипов М. Шукур Савдулла. – Ташкент: Адабиёт ва санъат, 1971. – 96 б.; Қобулов Н. Кичкинтойларнинг қатта шоири (Султон Жўра). – Ташкент: Ёш гвардия, 1973. – 71 б.; Шермухамедов П. Ижод дарди. – Ташкент: Адабиёт ва санъат, 1973. – 163 б.; Яна Уша. Она судидек поэзия. – Ташкент: Ёш гвардия, 1975. – 80 б.; Яна Уша. Истеъод сеҳри. – Ташкент: Ёш гвардия, 1977. – 135 б.; Эгамов Х. Дилактика ва услуб. – Ташкент: Ўзбекистон, 1975. – 42 б.; Яна Уша. Болалар дўстеси. – Ташкент: Ёш гвардия, 1976. – 47 б.; Сафаров О. Болалик куйчиси. – Ташкент: Фан, 1978. – 168 б.; Димом Б. Пўлат Мўмин. – Ташкент: Ёш гвардия, 1980. – 96 б.; Иришхужаева С. Болалар адабиётида дидактика. – Ташкент: Фан, 1977. – 48 б.; Яна Уша. Шоир ва мураббий. – Ташкент: Ўзбекистон, 1977. – 31 б.; Яна Уша. Кичкинтойлар олами. – Ташкент: Ёш гвардия, 1982. – 32 б.; Хужаева Р. Қуддус Мухаммадий. – Ташкент: Фан, 1980. – 56 б.; Матжонов С. Тиринлик суви. – Ташкент: Ёш гвардия, 1986. – 176 б.; Яна Уша. Китоб ўқини биласми? – Ташкент: Уқитувчи, 1993. – 144 б.; Баракаев Р. Жонжоним, шеърят (80-йиллар ўзбек болалар шеърятини ҳамда бизни қайтар). – Ташкент: Ўқитувчи, 1997. – 88 б. Иброҳимова З. Кичкинтойлар адабиётининг хусусиятлари. – Ташкент: Уқитувчи, 1994. – 120 б.; Яна Уша. Қувонқлиқка яшаринган изтироблар. – Ташкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2005. – 32 б.; Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: Fan, 2007. – 228 b.; Rasulov A. Bektarpor Ushuk. – Toshkent: Mumtoz so'z, 2009. – B.137-126.

болалар шеърятини материаллари асосида сатира ва юмордан фойдаланиш маҳорати ҳамда юморнинг болалар шеърятига тутган ўрни масалалари ўрганилган. Тадқиқотчи Қуддус Мухаммадий, Шукур Савдулла, Зафар Діёр, Қўдрат Хикмат, Пўлат Мўмин каби болалар шоирлари яратган ҳажвий шеърларни тадқиқ этиб, сатира ва юморнинг тарбиявий ўрни, кулги асосида фош қилиш ва образ муаммоларига умумий муносабат билдиради.

С.Иришхужаеванинг «Ўзбек болалар шеърятининг ўзига хос хусусиятлари» номли тадқиқотида 60–70-йиллар ўзбек болалар поэзиясининг гоёвий-темастик ўзига хослиги ва дидактик хусусиятлари ўрганилган. Олима болалар поэзиясининг бош вазифаси болаларни давр гоёлари руҳида тарбиялаш эканига эътиборни қаратади ва шу асосда болалар шеърятини дидактика, бадий тил ва образ муаммоларини тадқиқ этади.

Юқорида қайд этилган изланишлар асосан ўтган асрнинг 60–70-йиллари материаллари асосида олиб борилган бўлса, Д.Ражабов ва К.Турдиеваларнинг диссертацияларида 80–90-йиллар болалар адабиётини бадий маҳорат ва лирик қаҳрамон яратиш муаммоси тадқиқ этилган.

Бирок бу тадқиқотларда ҳажвий шеърлар алоҳида поэтик ҳодиса сифатида махус ўрганилмаган. Ваҳоланки, шу давр болалар шеърятини Т.Адашбоев, А.Обиджон, Қ.Ўтаев, Р.Толпиев, А.Кўчиров, Ҳ.Имонбердиев, К.Турдиева, Д.Ражабов, А.Ақбар каби истеъодли шоирлар ижодининг қаттагина қисмини ҳажвий асарлар ташкил этади. Уларда кичкинтойлар хулқ-атворидаги қамчиликлардан тортиб янгиланаётган жамиятимиз тараққиётига тўсик бўлаётган иллатларга қаламга олинади. Шунингдек, истиқлол даври болалар шеърятини ҳажвий образ яратиш муаммоси ҳам ҳалигача тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Матбуотда чоп этилган айрим мақолалардагина бу масала хусусида баъзи фикр-мулоҳазалар ўртага ташланган, ҳолос.

Шу боис, ушбу диссертацияда ўтган асрнинг 80–90-йиллари ўзбек болалар шеърятини ҳажвий образ яратиш муаммоси бадий маҳорат нуктаи назаридан илк бор тадқиқ этилмоқда.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасининг «Ҳозирги ўзбек адабиёти муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Диссертациянинг асосий мақсади XX асрнинг 80–90-йиллари ўзбек болалар шеърятини ҳажвийликнинг ўзига хос табияти ҳамда ижодкорларнинг ҳажвий образ яратиш маҳоратини тадқиқ этишдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- ўзбек болалар шеърятини ҳажвийликнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- ўзбек болалар шеърятини концепциянинг янгиланиши асосида ҳажвийнинг янги маҳият касб этганини кўрсатиш;

- ҳажвий образ яратиш усуллари ва йўналишларини белгилаш;
- ҳажвий образ яратишдаги поэтик маҳорат кирраларини очиб бериш;
- ҳажвий образлар талқинидаги муштараклик ва ўзига хосликларни тадқиқ этиш;
- ҳажвий образлар яратишда кулги хосил қилувчи бадий унсурларни аниқлаш;
- ҳажвий шеърларнинг болалар эстетик дидини шакллантиришдаги ўрнини белгилаш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Диссертацияда Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон, Камбар Ўтаев, Рауф Толипов, Абусаид Кўчимов, Ҳамаз Имонбердиев, Дилшод Ражабов, Кавсар Турдиева, Абдурахмон Акбар каби истеъдодли шоирларнинг ўтган асрнинг 80–90-йилларида яратган ҳажвий ва юмористик асарлари тадқиқот учун асосий манба қилиб олинди. Шунингдек, ишда бир қатор ёш ижодкорларнинг ҳажвий асарлари ҳам ўрни-ўрни билан таҳлилга тортилди.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва методлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг миллий мафкура ва маънавий қадриятлар ҳақидаги қарашлари, адабиётшунос олимларнинг назарий мулоҳазалари, XX аср ўзбек болалар адабиёти ва унинг муаммолари ҳамда ҳажвийлик масалаларига бағишланган тадқиқотлар, миллий истиқлол мафкурасига уйғун илмий-назарий қарашлар мазкур диссертациянинг методологик асосини ташкил этади. Ишда М.Кўшжонов, О.Шарафилдинов, А.Расулов, П.Шермухамедов, Д.Қуროнов, С.Мамажонов, Х.Этамов, О.Сафаров, С.Магочнов, И.Ғафуров, С.Ирисхўжаева, Қ.Қахрамонов, Р.Баракаев каби олимларнинг тадқиқотларидаги илмий-назарий қарашларга суянилди.

Диссертацияда бадий асарни тадқиқ этишда аналитик ва қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. 80–90-йиллар ўзбек болалар ҳажвий шеърлятида илк бор ижтимоий иллатларга ҳам эътибор қаратилиши болалар шеърлятининг мавзу доираси кенгайиб бораётганини қайд этиш имкониятини яратди.
2. Бу давр ўзбек болалар ҳажвий шеърлятининг бадий юксаклиги бу шеърлятнинг поэтикаси янги босқичга кўтарилганини исботлашга хизмат қилади.
3. Мажозий характердаги шеърларда шартлиликнинг янгича кўринишларини аниқ мисоллар асосида қиёсий тадқиқ этиш ўрганилаётган давр болалар шеърляти намояндлари ижодига хос илмий-назарий тамойилларни белгилаш имконини беради.
4. Болалар шеърлятидаги ҳажвий асарларда бадий тасвир воситаларини қўллаш маҳоратини ўрганиш таҳлилга тортилган шоирларнинг индивидуал поэтик тафаккури кирраларини кўрсатади.
5. Болалар шоирларнинг ҳажвий образ яратиш маҳоратини ўзаро қиёслаш бу давр болалар шеърлятидаги ҳажвий образлар тизimini аниқлашга имкон яратди.

Ишнинг илмий янгилиги. Диссертацияда ўтган асрнинг 80–90-йиллари ўзбек болалар шеърлятида ҳажвий образ яратиш муаммолари биринчи марта монографик планда махсус ўрганилмоқда. Ушбу тадқиқотда болалар адабиётидаги ҳажвий шеърларнинг бадий-эстетик қиммати мустақиллик мафкураси тамойиллари асосида поэтик маҳорат нуқтаи назаридан яхлит ҳолиса сифатида тадқиқ этилди.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

- сўнги давр ўзбек болалар шеърлятида ҳажвий образ яратиш муаммолари илк бор тадқиқ этилиб, унинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди;
- шоирларнинг ҳажвий образ яратиш маҳорати қиёсий таҳлиллар асосида ўрганилди;
- ҳажвий манзара ва образ яратишда кулгининг табиати ҳамда кулги хосил қилувчи бадий тасвир воситалари тадқиқ этилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишда XX асрнинг 80–90-йиллари ўзбек болалар шеърлятининг ўзига хос хусусиятлари ва ижодкорнинг ҳажвий образ яратиш маҳорати тадқиқ этилди. Шу боис, мазкур тадқиқотнинг назарий умумлашмалари ўзбек болалар адабиётининг тараккиёт босқичларини белгилашга асос бўладиган бадий-эстетик қонуниятларни очишга ҳамда болалар шеърлятининг поэтик табиатини кенг қўламада тадқиқ этишга хизмат қилиши ишнинг илмий-назарий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқотнинг илмий хулосалари ва материалларидан ўзбек болалар адабиётини бадий маҳорат нуқтаи назаридан ўрганишда, олий ўқув юрталари, коллеж ва академик лицейларда болалар адабиёти бўйича дарс машғулотлари, махсус курс ва семинарлар олиб боришда, болалар адабиётига доир дарслик, ўқув қўлланмалари ва мажмуалар тузишда кенг фойдаланиш мумкинлиги унинг амалий аҳамиятини кўрсатади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари ва материалларидан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўзбек филологияси факультетининг талабаларига ўқув режасидаги «Ўзбек болалар адабиёти» фани ҳамда танлов фанлар тизими бўйича маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар олиб боришда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг натижалари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Ҳозирги ўзбек адабиёти» кафедраси йнгилишида, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти «XX аср ўзбек адабиёти» ҳамда «Ҳозирги адабий жараён» бўлимларининг кўшма мажлисида, шунингдек, Д 015.04.01 рақамли фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича ихтисослашган кенгаш ҳузуридаги илмий семинарда муҳокама қилиниб, химояга тавсия этилган.

Диссертация ишнинг натижалари 2001–2009 йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессор-ўқитувчиларининг анъанавий конференцияларида ўқилган маърузаларда

илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган.

Нагизчаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни Туркияда нашр этилган «Türk dünüası inçelemelei dergisi» журнали, шунингдек, республикамикемиз журналлари ҳамда илмий гўлламларда чоп этирилган 6 та мақолада ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадкикот кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилиш даражаси, мақсад ва вазифалари, методологик асоси, илмий-назарий ва амалий аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

Диссертациянинг «80–90-йиллар ўзбек болалар шеърлятида реалистик ҳажвий образ яратиш тамойиллари» деб номланган биринчи боби икки фаслдан иборат. Бобнинг «*Ҳажвийликнинг ижтимоий моҳияти касб этиши*» деб номланган биринчи фаслида болалар адабиёти, жумладан, шеърляти болалик оламининг чин маънодаги кашфиётчиси ва ўзига хос кўзгуси эканлиги ҳамда унда фақат кичкинтойларга хос турфа тўйгулар, орзу-умидлар, идеаллар ўз аксини топганлиги илмий асосланган.

Маълумки, «...болалар адабиётдаги ахлоқийлик сўқмоқлари ниҳоятда турли-туман ва ўзига хос турфа хусусиятларга эга бўлса-да, ҳайратланарли жиҳати шундаки, уларнинг барчаси шоирни ҳажвиёт йўлига олиб чиқади. Чунки биз мурожат қилаётган китобхон ёхуд тингловчининг ўзи ҳам табиатан шундай»¹. Болалар табиатда учрайдиган шўхлик, ўйинқароқлик, мақтанчоқлик, дангсалик, ёлгончилик, чакимчилик, очофатлик каби хусусиятлар ҳажвий асарлар учун асосий тасвир унсурлари саналиши боис ўзбек болалар шеърлятининг каттагина қисмини ҳажвий асарлар ташкил қилади.

Табийки, болалар адабиёти тарихидан мустаҳкам ўрин оладиган асарларни чин истъдод эгалари яратади. Шу маънода профессор А.Расулов ёзади: «Қулиш, қулдириш ҳажвиянинг етакчи белгиси. Истеъдодли кишиларгина қулдирадилар, қуйдирадилар, лозим бўлса, йиғлатадилар. Моҳир санъаткорлар сағира, ҳажвияни тўлақонли тимсол орқали китобхонга ҳавола қиладилар»².

Ўтган асрнинг 80–90-йиллари болалар шеърляти бир қатор жиҳатлари билан аввалгиларидан фарқланади. Бу давр шеърлятида умумшеърлятга хос бўлган сифат ўзгаришлари характерлидир. Маълумки, бу давр ўзбек адабиётда муҳим ўтиш даври – янгича бадий илмий тафаккур ва поэтик изланишлар даври ҳисобланади. Бу адабиётда инсон руҳияти, унинг маънавий оламини ўзига хос поэтик изланишлар – янгича поэтик образлар, рамз ва тимсоллар воситасида ифодалашга эътибор кучая бошлади. Ижодкор

¹ Бетақ Б. Дети смеются – М.: Детская литература, 1979. – С.114.

² Расулов А. Бетакор ўзлик. – Тошкент: Милитоз, 2009. – Б.191.

концепцияси, воқелик ва бадий сўзга муносабат ўзгарди. Бадий сўз инсоннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва фаолиятининга эмас, балки унинг руҳий олами, қалб эврилишларини ҳам кашф эта бошлади.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда юз бера бошлаган демократик ўзгаришлар одамлар онг-шуурида, тафаккурида акс садо берди. Бу кайфият уларнинг миллий ўзлигини англашга, шўро даврига хос бўлган манкуртлик психологиясидан қутулишга бўлган интилишларини кучайтирди. Нагизда шўро даври ҳаётига хос иллаглар рўй-рост қош этила бошланди. Бу ҳол шу давр адабиётда ўз ифодасини топиб, янгиланаётган бадий тафаккур шўро даври психологиясига хос фожиаларни ҳаққоний акс эттира бошлади. Болалар шеърлятида ҳам шўро давридагидек, «алдагани бола яхши» кабилидаги асарлар эмас, балки ижтимоий-маънавий фожеликка сабаб бўлган инқирозларнинг бадий лавҳалари акс этган асарлар яратила бошланди.

Ҳ.Имонбердиевнинг бир қатор шеърляри шу жиҳатдан ибратлидир. Шоир «Ўк» ва «Оҳу» номли шеърлярида ёвузликни қоралаб, унинг охир-оқибат ҳалокатга маҳкум эканини қаламга олади. Маълумки, ўк салбий мазмунга эга бўлиб, қўпчилик тасавурида рақибни махв этиш учун қўлланади. Бирок у аслида эзгу мақсадларга ҳам, ёвуз мақсадларга ҳам хизмат қилиши мумкин. «Ўк» шеърляти «ўк» мажозий образ бўлиб, гарчи у ёвуз мақсадда ишлатилса-да, ёвузликнинг ўзини махв этиши ҳам мумкинлиги бадий лавҳаларда гавдалантирилган.

Ёвуз қимса камондан ўк ўзади. У қора ажал тимсолида нишон излаб учиб бораркан, йўлда она жайронга рўбарў келади. Она жайрон уйда болалари қутаётганини айтиб, ўзига тегмаслигини сўраб ёлворади. Ўк нишондан воз кечиб, жайроннинг ёнидан ўтиб кетади. Йўлда дуч келган чинор ҳам бағридаги инларда полонлар борлигини айтиб фарёд солади. Шунда ўк бу нишондан ҳам воз кечиб, Ерга – она заминга юзланади. Она замин эса шусиз ҳам юрак-бағри ўчмас доғ, юз минглаб яра-чақаси борлигини айтиб, унга танбех беради. Чорасиз қолиб қолган тойган ўк яна отилган жойига қайтиб келади. Шеър қуйдагича ибратли хулоса билан яқунланади:

Худди шу пайт илм киши

Бошқа ўқни жойларди.

Алам-ла қайраб тишин,

Кимларнидир пойларди.

У қулоқ ҳам қоқмади

Ажалнинг шартасига.

Учиб келиб санчиди

Ўқ шундоқ орқасига...¹

Геометрия фанида ўк афрофида параллел равишда ҳаракатланаётган предмет охир-оқибат ҳаракат бошланган жойга қайтиб келиши ҳақидаги қонун бор. Шоир ўз шеърини мактаб ўқувчиси, яъни ёш бола яхши

¹ Имонбердиев Х. Гаройибкент хангомалари. – Тошкент: Ўқитлов, 1994. – Б.63.

биладиган ушбу кунунга мувофиқ тарзда яратган. Демак, камон ўқининг Ер атрофини бир марта айланиб, яна ўзи отилган жойга қайтиб келиши ва ёвуз ниятли одамнинг орқасига санчилиши ҳам рамзий йўсинда ишонарли тарзда тасвирланган. Асарни ўқиган ёш китобхон эса: «Бировга чоҳ қазисанг, унга ўзинг тушасан» деган ўзбек халқ мақолини ҳам эслайди ва унинг нақадар тўғрилигига яна бир бор имон келтиради.

Кузатишларга қараганда, болалар учун яратилган шеърӣ асарларнинг аксарияти бола табиатини очишга ва одоб-ахлоқ мавзусига бағишланади. Бунинг асосий сабаби ушбу асарлар кичкинтойларнинг «бу нима», «нима ахши-ю, нима ёмон» тарзидаги тўхтовсиз саволларига ўзига хос жавоб тарзида яратилишидир. Айни шу ҳолат болаларга бағишлаб яратилган кўплаб достонларга ҳам хос хусусият ҳисобланади.

Биринчи бобнинг «**Реалистик ҳажвий образ яратилиш усуллари**» номли навбатдаги фасли ўзбек болалар шеърӣтида поэтик воситалар орқали сатирик образ яратиш маҳорати масаласига бағишланган. Ўзбек болалар адабиётда бевосита болалар ҳаётдан олиб ёзилган сатирик шеърлар, аслида, унчалик кўп эмас. Жумладан, Қулдус Мухаммадийнинг «Дум», «Тугмач», Гафур Ғулومнинг «Нортожнинг курак тиши», Пўлат Мўминнинг «Салимжон-нимжон» каби шеърларини сатирик асарлар сифатида баҳолаш мумкин. Улардаги сатирик қаҳрамонлар ўзининг ёлгончилиги, тўхматчилиги, ялқовлиги, дангасалиги, тозалikka риюя килмаслиги, дарсларни ўзлаштирмаслиги каби иллатлари билан маълум ва машхур. Мазкур шеърларда ҳажвий образларнинг сатирик киёфаси кулги воситасида фош этилади ва, айни пайтда, уларнинг ушбу иллатлардан тезда фориг бўлиши гоёси ҳам илгари сурилади. Бу ўринда шунга қайд этиш керакки, бу типдаги шеърларда болаларнинг сатирик киёфасини чизишда ижодкорлар мажозий детал ва тасвирлардан самарали фойдаланганлар.

Ўтган асрнинг 80–90-йиллари ўзбек болалар шеърӣтида бевосита болаларнинг сатирик образи яратилган шеърларнинг кам учрашини, улар кўпроқ мажозий ва аллегорик образлар шаклида намён бўлишини кузатиш мумкин. Бевосита болалар ҳаётдан олиб ёзилган шеърларда эса сатирик қаҳрамонлар чакимчилик, ўйинқароқлик, виждонсизлик каби иллатлари билан ажралиб туради. Булар салбий ҳодиса сифатида беғубор кулги ва рамзий деталлар орқали очиб берилади. Болалар орасида чакимчилик, гийбат, миш-мишлар тез-тез учрайди. Болалар адабиётда ушбу иллатларни қоралаган шеърлар кўп. Шу билан бирга, бундай шеърларда ижтимоий-маънавий мотивлар кучайганини ҳам қайд этиш жоиз. Жумладан, Р.Толиповнинг «Битта ёмон», «Бир мажлис», А.Кўчимовнинг «Ўрталик», «Миш-мишвой», «Мен гийбатчи эмасман», «Ҳийла», Р. Назарнинг «Дахшат», «Зоология муаллимнинг ҳикояси», «Гайтил», «Уйқучининг армони», «Бахс», «Ҳамён», «Ота-оналар мажлиси», «Кутубхоначи минбар», «Гартиб», «Қирдаги лолалар», «Журъатсиз ўғлон», У.Шукуровнинг «Бир аялочи, бир ялқов», Ҳ.Имонбердиевнинг «Алихўжа-Хўжаали», «Ҳамён», «Турди, ўғри ва Кетмонвой», «Табиатнинг хатоси», «Ширинликлар ороли»,

«Уришқоклар», «Олабўжи», «Темир тирноқ» каби шеърлари шу жиҳатдан характерлидир.

Ўзбек болалар адабиётда болаларнинг семимли қаҳрамонига айланиб қетган юмористик образлар кўплаб яратилган. Хусусан, Қулдус Мухаммадий, Қудрат Ҳикмат, Шукур Саъдулла, Пўлат Мўмин сингари шоирлар ўз даврида яратган кўплаб юмористик образлар болаларнинг маънавий мулкига айланди. Бу асарлар ҳақида С.Мамажонов, П.Шермухамедов, Б.Имомов, М.Юнусов, О.Сафаров, Х.Эгамов, С.Ирисхўжаева, Ҳ.Қаюмов, Р.Хўжаева каби адабиётшунослар ўз фикрларини билдиришган. Жумладан, «Юмор Ш.Саъдулла ҳажвиётининг етакчи хусусияти ҳисобланади. Унинг юмористик кулгиси – беғараз, у болалар характеридаги ношудлик, инжиқлик, сурбетлик, ивирсиқлик, дангасалиқдан кулади», – деб ёзди О.Сафаров. М.Юнусовнинг фикрича, «Қулдус Мухаммадий нима ҳақида ёзмасин, унинг сеҳрли қалами остида ҳамма нарса жонланади, одамларга ўхшаб ҳаракат қилади ва тапирлади. Баҳор тилга кириб: «Бормайсанми далага, Баҳор сайли – лолага?» дейди. Кўз, қулоқ, бурун, қўл, оёқ каби аъзолар йиғилишиб, ўзларини озода сакламайдиган «дангаса, ялқов, сёёқ»лардан шикоят қиладилар. Ҳарфлар ёзда бўш қолиб, юраги қизиб, ўйинга тушиб кетадилар («Ҳарфлар ўйини»). Колхоз боғидаги турли-туман мевалар суҳбатлашиб, ўз фазилатларини намойиш этадилар («Дарахтлар суҳбати») ва ҳоказо. Агар бу нарсалар одам тили билан сўзлаб, одамлар киёфасига кирмаганда, албатта, кизикарли ва узок эсда сақланадиган бўлмасди»².

80–90-йиллар ўзбек болалар адабиётдаги юмористик шеърлар ўзининг кенг камровлилиги, бадий мазмундан ташқари ижтимоий мазмунни ҳам ифодалаш билан ажралиб туради. Бу давр шеърӣтида мавжуд анъананинг муваффақиятли тарзда давом эттирилгани билан бирга ижодий бойитилганини ҳам кузатиш мумкин.

Т.Адашбоев, А.Обиджон, Қ.Ўтаев, Р.Толибов, А.Кўчимов, Ҳ.Имонбердиев, К.Турдиева, Д.Ражаб, А.Ақбар каби кўплаб ижодкорлар юмористик образлар галереясини яратдилар. Жумладан, Т.Адашбоевнинг шеър ва эртаклари қандай мавзуда бўлишидан қатъи назар, болалик оламнинг бетакрор кашфиётларига айлана борганлиги билан эътиборга сазовордир. Ўша жиҳатларни профессор А.Расулов шоир ижоди хусусида ёзган «Болаликнинг беғубор осмони» мақоласида: «Унинг шеърларида бола табиатига ўхшаш самимийлик, ботинни кўрган, вулкони шиддат бола бола кўзи билан кўради, кўрганни қувониб тасвирлайди»³, деб алоҳида таъкидлайди. Шоирнинг юмористик шеърларида ҳам болаларга бўлган жуда қатта меҳр-муҳаббат, самимият яққол сезилади. Унинг болалар олами бевосита юмористик руҳда акс эттирувчи «Ҳали ёш-да», «Мухаррамнинг машғулоти», «Бурни қонаб», «Ахил дўстлар», «Дилмуроднинг вақти йўқ», «Ошхўрак», «Ўн икки варақ дафтар», «Тург амалдан – бир амал», «Алгов-

¹ Сафаров О. Болалик куйчиси. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.67.

² Юнусов М. Болалар қаҳраонинг байрами. – Тошкент: Ёш гвардия, 1984. – Б.61-62.

³ Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент: Muntoz so'z, 2009. – Б.214.

далгов аралаш», шунингдек, мактублар туркумига кирувчи бир қатор шеърлари, «Уч бўталок ва сирли ковок» каби эртақларида ушбу самимият нафаси уфуриб туради. Уларда болалар табиатида учрайдиган айрим қусурлар ўзига хос поэтик бўёқларда қулги воситасида фош этилади. Шоир болалар табиатидаги у ёки бу нуқсонни реал манзараларда тасвирлар экан, кўпинча унинг қандай оқибатларга олиб келишини шарҳлаб ўтирмайди, балки қиссадан ҳисса чиқаришни китобхоннинг ўзига қолдиради.

Дарҳақиқат, Т.Адашбоев болалар руҳиятига хос зукколик ва топқирлик, ҳаёлпарастлик ва бой фантазияни, орзу-умид ва интилишларни мохирлик билан юмористик пафосда ифодалай олади. Зеро, фақат болаларгина кун ботиш манзараларини:

— *Дада, кўёш думалаб,
Тог бошига етибди.
Йиққилибди шекилли,
Бўрни қонаб кетибди*¹, —

дея тасаввур қилиши ва ифода этиши мумкин.

Умуман олганда эса, 80–90-йиллар болалар шеърлятида юмористик образ яратишда муайян ютуқлар қўлга киритилди. Болаларнинг маънавий олами юксалтирадиган, эстетик дидини шакллантиришга хизмат қиладиган қўллаб асарлар ёзилди. Ижодкорлар, энг аввало, кундалик турмушдаги баъзи бир иллатларни қулги воситасида тасвирлаб, уларнинг мазмун-моҳиятига ургу бердилар. Бунда болалар шеърлятига миш-миш, ғийбат, чакимчилик, очофатлик, дангасалик каби қўллаб салбий одағлар асос бўлиб хизмат қилди. Айни пайтда, ўзбек болалар сатирик шеърлятида ҳажв тигини ижтимоий-маънавий ҳаётдаги муаммоларга қаратиш орқали ижодкорлар сатирик образ киёфасини, унинг яшаш фалсафаси моҳиятини очишга ҳаракат қилганларки, бу хусусият ўзига хос эстетик тамойилга айланган.

Шоирлар иллатларни фош этишда реалистик тасвир ҳамда рамзий-мажозий образларга ҳам мурожаат қилиб, ҳаётдаги иллатларнинг туб моҳиятини очишга интидилар. Бу тилдаги шеърларда реал ҳаёт манзаралари билан поэтик қўчимлар ўзаро уйғунлашиб, бетақрор бадий топиломалар яратилди.

Ижодкорлар болалар адабиётининг ўзига хос табиатидан келиб чиққан ҳолда кўпроқ уларнинг ўзини ўзи фош этиши ҳамда қулгига қўйиши усулидан кенг фойдаланишди. Бу хусусият эса бадий асарларнинг таъсирчанлигини оширган.

Ҳажвий асарларда халқ оғзаки бадий ижоди анъаналаридан фойдаланган ҳолда солда, самимий, сермаъно фикрларни солда қофияларга солиб, реалистик ҳажвий образ яратишга эришилди. Бундай эстетик тамойил ҳам ушбу давр ўзбек болалар шеърляти равнақида ижобий таъсир кўрсатган.

Бу даврдаги сатирик ва юмористик шеърларда шоирлар ўзлари тасвирлаётган манзарага гўё «бетараф» туриб, қаҳрамон ҳатти-ҳаракатлари

¹ Адашбоев Т. Уч бўталок ва сирли ковок. — Тошкент: Чўлпон, 1990. — Б. 17.

тасвири воситасида қулги ҳосил қилишга эришганлар. Қулгили ҳолатга тушиб қолган қаҳрамон кичик китобхонни ўйлашга, фикр юритишга ундайди.

Иккинчи боб «Ўзбек болалар шеърлятида мажозий образ яратишдаги ўзига хосликлар» деб номланади. Унинг илк фаслида «*Мажозий образ яратиш усуллари*» тадқиқ этилди.

Ўзбек болалар адабиёти тарихида мажозий образларнинг қўллаб намуналари яратилган. Жўмладан, Қуддус Муҳаммадийнинг «Кўнғизой билан Сичонвой», Қудрат Хикматнинг «Йлон шох ҳақида эртақ», Шўкур Сабдуллоҳнинг «Оч бўри, шўх қўзи ва қирчанги», Адхам Раҳматнинг «Қалдирғоч, илон ва бешиқтебратар ҳақида эртақ», Пўлат Мўминнинг «Қовоқвой ва Чаноквой», «Сукатой — конфетвой» каби халқ оғзаки ижоди намуналари асосида яратилган қатор асарларда сатирик образларнинг юксак намуналарини учратиш мумкин.

3.Одилованинг «Ўзбек болалар шеърлятида сатира ва юмор (60–70-йиллар)» мавзусидаги номзодлик диссертациясида ўша давр шеърлятидаги сатирик ва юмористик руҳ асосан болалар табиатидаги қир-чир юриш, яхши ўқимаслик, одобсизлик каби нуқсонлар билан боғлаб тасвирлангани ва бундай талқин аслида ҳам ҳаётий асосга эга экани ҳақида фикр юритилади. Айни пайтда, ўша давр болалар шеърлятининг даражаси ва тарихий-ижтимоий муҳит бундан ортқача талабларга жавоб беришга қодир эмас эди.

XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридаги ижтимоий муҳитда рўй берган ўзгаришлар бадий адабиётда, жўмладан, болалар адабиётини ҳам янгича поэтик тафаккурни майдонга келтирди. Болалар шеърлятида илк бора ижтимоийлашув, мажозий тарзда намоён бўлди. Болалар шеърлятининг етакчи намоёндаларидан бири Анвар Обиджоннинг «Қумуш уй» туркумидаги бир қатор шеърлари фикримиз далилидир. Чунки «аслида «Қумуш уй»нинг ўзи ҳам Ваган рамзи. Зеро, Ипак қурти қурган, эшигидеразаси йўқ қумуш уй аслида халқимизни етмиш йил тентиратган келажати қоронғи, ҳаёлий социалистик тузум тимсоли»¹. Ушбу фикрни янада давом эттирадиган бўлсак, шўролар қурган усти ялтироқ, ичи қалтироқ «қумуш уй» уни ипак қурти бутун дунёдан ажратиб қўйди. Шоир шу қисқагина мажозий шеърда халқимизнинг шўро истибодиди давридаги ҳаётини пардаларга ўраган ҳолда захарханда қулги билан тасвирлаган. Бироқ шеър ёш китобхон руҳини асло чўктирмайди. Чунки баҳорда ипак қурти капалакка айланиб, уруғ қўйиб, пиллани тешиб чиқиб кетади. Ушбу сатирик шеър, бир жиҳатдан, шоирнинг ўз даври ижтимоий муҳитига муносабатини рамзий йўсинда акс эттирса, иккинчи томондан, ушбу туйғу ёш китобхон қалбида ҳам кўчиб ўтади.

Асосан шўро тузумини мадҳ этиш руҳи устуворлик қилган ўзбек болалар шеърлятида XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида юзага келган юқоридаги каби шеърлар ижодкорларнинг ёш авлод маънавиятини

¹ Баракаев Р. Жоножонни, шеърлят. — Тошкент: Чўлпон, 1997. — Б. 39.

шакллантириш, уларни озод, хур инсонлар қилиб тарбиялашга янгича муносабатларнинг мисоли сифатида эътиборга сазовордир.

Кузатишлардан маълум бўладики, сўнги давр болалар шеърлятида хажвий образ яратиш қуйдаги усуллар билан амалга оширилган:

1. Болаларнинг бевосита хажвий қиёфаларини чизиш орқали улар характерида учраб турадиган ҳақимчилик, ғийбатчилик, дангасалик, ёлгончилик каби иллатлар ҳажв тегига олинади.

2. Болаларнинг хажвий образини яратиш орқали ҳаётдаги муҳим ижтимоий-маънавий, ахлоқий муаммолар, иллатлар хажвий йўсинда фош этилади ва шу тариха кичик китобхонда хажвий образга, унинг яшаш фалсафасига муносабат шакллантирилади.

3. Болаларнинг маънавий-ахлоқий оламни, улар табиатидаги баъзи нуқсонларни фош этишда мажозий образ ва деталлардан, шартли тасвирдан кенг фойдаланилди. Бунда реалистик тасвирни поэтик кўчимлар теранлаштиргани кўзга ташланади.

4. Ижодкорлар хайвонлар, парранда ва даррандаларнинг аллегорик образлари орқали муҳим ижтимоий ҳамда маънавий муаммоларга эътиборни қаратиб, уларни келтириб чиқарган сабабларнинг иллизини очиб беришди. Бундай ижодий изланишлар ўзбек болалар адабиётининг етакчи тамойилларидан саналиб, истеъдодли ижодкорларнинг ҳаёт ҳодисалари, инсон шахси ва руҳиятига чуқурроқ кириб борганидан далolat беради.

Иккинчи бобнинг навбатдаги фасли «*Ҳажвий образнинг мажозий талқинидаги ўзига хосликлар*» деб номланади.

80-90-йиллар болалар шеърлятида қувноқ юмор воситасида мажозий образ яратишга алоҳида эътибор берилганини кўриш мумкин. Шоирлар сатирик образ яратишдаги каби юмористик образ яратишда ҳам мажоз ва поэтик кўчимлардан унумли фойдаланишди. Бироқ ижодкорлар сатирик образ яратишда, кўриб ўтилганидек, кўпроқ халқ орасида сатирик тимсол даражасига кўтарилган бўри, тулки, қаламуш, қарға, чумчуқ каби хайвонлар, парранда-ю даррандалар образидан фойдаланишса, юмористик образ яратишда турли хил жониворлардан ташқари дов-дарахтлар, ўсимликлар олами, ҳар хил предмет ва ҳодисаларга ҳам мурожаат қилишади. Уларнинг мажозийлашган юмористик қиёфасини яратишда поэтик кўчим, мажозий ва рамзий тасвирларга қатта эътибор қаратишади.

Айниқса, Анвар Обиджон, Дилшод Ражаб, Абдурахмон Акбар, Рустам Назар каби шоирларнинг бу бордаги изланишлари характерлидир. Анвар Обиджоннинг «Жуда қизик воқеа» номли шеърини тўплами бошдан-оёқ шу типдаги юмористик шеърлардан ташқил тошган. Шоирнинг ўзи ҳам китоб муқаддимасида: «...болаларнинг дунёси, она табиат нафаси, турли буюм ва жонзотларнинг сирли олами ҳақида илоҳи борича қувноқроқ тарзда сўз юритишга ҳаракат қилдим», дея эътироф этади. Тўпламдаги «Хабар сотувчи» шеърини ўқигандаёқ бу ҳолни яққол хис этиш мумкин. Мазкур шеър халқ оғзаки ижоди, хусусан, халқ достонларидаги шахар кезиб, турли-туман молларни сотиб юрувчи атторларнинг қўшиқлари усулида ёзилган бўлиб, қувноқ юморга бойдир.

Янги гаплар сотаман,

Эски гаплар ҳам.

Болажонлар, кетқолинг,

Қолди жуда кам.

Суриштирманг нарҳини,

Шардан ҳам арзон.

Хўроққанда – рост хабар,

Питилоққа – ёлгон¹.

Шу тариха қувноқлик билан бошланган шеърда турли-туман хайвонлару паррандалар, жониворлар ҳақидаги «эски-янги гап»лар «арзон баҳо»га сотилиши тасвирчан манзараларда тасвирланади. Бунда «янги гап»нинг кепаксиз унгаю эскисининг пуч ёнғону совунга «алмашиши»дан тортиб, қаптарнинг тушида бургутни еб қўйишигача, тулкивийнинг битга хўрозни тутиб келиб бўрига хириллашию, ҳазилни унча хуш кўрмайдиган бўрининг аввал хўрозни, кейин тулкининг ўзини ейишигача, уч йил бир синфда ўкиган эшакнинг айикни «саводсиз» деб ҳақорат қилишигача, хўллас, кўплаб мажозий образларнинг хилма-хил юмористик руҳ билан йўғрилган қиёфаларини кўрамиз.

Юқоридаги кузатишлардан шундай хулоса чиқариш мумкин:

Сўнги давр болалар шеърлятида юмористик образ яратишда, асосан, икки йўналиш устуворлик қилади. Биринчи йўналишни бевосита болаларнинг юмористик образлари яратилган шеърлар ташқил этади. Бу типдаги шеърларда шоирлар болалар табиатида учраб турадиган айрим шўхлик ва ўйинқароқликларни, дангасалик ва тўполончилик олатларини қувноқ қаҳқаха билан фош этадилар. Шу жиҳатдан Т.Адашбоев, Анвар Обиджон, Дилшод Ражаб каби шоирлар яратган қаҳрамонлар алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг асарларида образ руҳиятидаги етакчи хусусиятлар юмористик кулли воситасида тасвирчан қилиб тасвирланади.

Иккинчи йўналишни мажозий шеърлар ташқил этади. Бунда турли нарсас-предметлар, хайвонлар, паррандаю даррандаларнинг мажозий характердаги юмористик образлари яратилганини кузатиш мумкин. Бу образлар фақат ташқи шакл-шамойили билан эмас, балки поэтик мазмунига кўра ҳам муқамал даражага кўтарилгандир. Бу типдаги образларни яратишда мавжуд ижодий анъана ва ворисийлик қатта аҳамият касб этади.

Учинчи боб «*Ўзбек болалар шеърлятида хажвийликнинг маърифий-дидактик ва бадий-эстетик аҳамияти*» деб номланади. Унинг биринчи фаслида «*Ҳажвийликнинг тарбиявий қиммати*» масаласи ўрганилди.

Болалар адабиётининг ўзига хос табиати, унинг маърифий, бадий-эстетик қиммати доимо ижодкорларнинг ҳам, танқидчиларнинг ҳам диққат марказида бўлиб келган. Болалар шеърлятида илм-маърифатни тарғиб қилувчи алифбо, харфлар, тишиш белгилари, хуснихат каби мавзуларда кўплаб шеърлар яратилган. Жумладан, Қулдус Муҳаммадийнинг «Дум»,

¹ Обиджон А. Жуда қизик воқеа. – Тошкент: Ўзгўр, 1987. – Б.24.

«Тутмача», «Темирлар ўйини», Султон Жўранинг «Тиниш белгиларининг мажлиси», Пўлат Мўминнинг «Салимжон-нимжон», «Парлиннинг харфия» каби шеърлари фикримиз далилидир. Тадқиқот учун объект килиб олинган давр шеърларида ҳам бу анъана давом этди. Масалан, Т.Адашбоевнинг лирик қаҳрамони «Алифбедадан ўрин олиб, ўз бурчини ҳалол ўтаб келаётган хар бир харф, тиниш белгилари адашиб кетишса нима бўларди, деган ваҳимали тасаввурларга берилади. Шеърда «А» харфи билан боғлиқ воқеа шундай тасвирланади:

*Агарда «А» адашса,
Андижон, Асақани,
Ариқчи, анҳорларни
Атароқик не деб, қани?¹*

Шу тарика Б, В, Г, Қ, И, К каби кўллаб харфлар билан боғлиқ шеърый тасаввурлар ҳикоя қилинади. Шоирнинг маҳорати шундаки, хар бир харфдаги шу хил адашишлар оқибатини кувноқ кулги билан яқунлайди.

Шеър болаларнинг тасаввур оламини кенгайтиради. Болалар унда тасвирланаётган харфларнинг алгов-далгов ҳолатини мушоҳада қилишар экан, кувноқ юмордан, бой поэтик мазмундан эстетик завқ, дидактик мазмундан маърифий сабоқ олишади. Бинобарин, болаларга мўлжалланган ҳажвий шеърларнинг маърифий киммати фақат саводхонлик руҳида тарбиялашдан иборат бўлмай, айни пайтда, улар боланинг табиатга, агроф-муҳитга маданий муносабатда бўлиш малакасини шакллантиришга хизмат қилади.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли «*Ҳажвийликнинг шаклий изланишлардаги бадий-эстетик аҳамияти*» деб номланади.

Сўнгги давр ўзбек болалар шеърларида, айниқса, ҳажвий характердаги эксперимент шеърлар кўпайди. Шоирлар нафақат харф ва тиниш белгилари, балки математик амаллар, хусниҳат, дарслиқда мавжуд бўлган ва дарс жараёнида фаол қўлланадиган сўз ва расмлардан, рақам ва хар хил шакллардан ҳам самарали фойдаланиб шеърлар ёздилар. Бу шеърлар ўқувчиларни топқирликка, билимдонликка ундайди, зехнини ошириб, тасаввур оламини кенгайтиради, «яхши ўқи, чиройли ёз» деган қуруқ панд-насихатдан кўра кўпроқ таъсир кўрсатади.

Шу жиҳатдан Т.Адашбоевнинг «Тўрт амалдан – бир амал», «Ўн икки варақ дафтар», Ҳ.Имонбердиевнинг «2 сентябрь», «Қийин мисол», «Ғалати Омон», А. Обиджоннинг «Кулчалар», «Сиз эшитмаган қўшиқлар» туркумига кирувчи шеърлари, Қ.Ўтаевнинг «Фил, Каркидон, Бегемотлар», «Хўкиз», «Хўроз», «Эчки билан суҳбат», Д.Ражабнинг «Спорт майдонида», «Миннатдорлик», «Гувоҳ», «Топишмоқ шеър», «Футбол» каби кўллаб «шакл» шеърлари, А.Ақбарнинг рақамли шеърлари характерлидир.

Болаларнинг маърифий-эстетик дилларини, адабий тафаккурини камол топтириш бўйича жиддий ижодий изланишлар олиб борилмоқда. Абдурахмон Ақбар ижодига мансуб турли шаклдош, рақамли, жумбоқли

¹ Адашбоев Т. Уч бўлақоқ ва сирли қовоқ. – Тошкент: Қўллон, 1990. – Б.33.

шеър ва эртаклар шулар жумласидандир. Улар, бир томондан, ёш китобхон фикрлаш доирасининг ўсшига ёрдам қилса, иккинчи томондан, гўзаллик ва нафосат билан боғлиқ маънавий-ахлоқий тушунчаларнинг шаклланишига хисса қўшадилар.

Д.Ражабнинг расм-шеърлари шаклий-структурал изланишлар самараси ўлароқ майдонга келган. Шоир нарса-предметларнинг поэтик образини яратар экан, сўзлар воситасида уларнинг шакли – суратини чизади. У «Танбех», «Спорт майдонида», «Миннатдорлик», «Топишмоқ шеър», «Чивинга таланган бола», «Футбол» каби шеърларида шу усулдан фойдаланиб, юмористик характердаги ўзига хос оригинал образлар яратган. Жумладан, «Чивинга таланган бола» шеърда¹ лабида мураббо юқи билан оғзи очик ҳолда ухлаб қолган ялқов боланинг очик оғзи шакли кўз ўнгимизда намоён бўлади:

*Лабада мураббо юқи –
Юьмай қўйган қотириб.
Ётар оғзидагини
Чивинларга олдириб.*

*Уйғон, тингла гапини,
Кўзинг очиб, бола-ей,
Талар, ҳатто чивинлар*

э з

о и болани.

чиқ

Шоирнинг топқирлиги ва маҳорати шундаки, бу шеърда фақат шакл яратибгина қолмай, унинг ўзига хос кўринишига мослаб поэтик образ ҳам яратмоқда. Энг муҳими, ушбу тасвирда воқелик болалар тасаввурини жонланиб, ўзига хос кувноқ кулги ҳосил қилади.

Р.Баракаев Д.Ражабовнинг бу типдаги шеърлари ҳақида фикр юритар экан, уни болалар шеърлигидаги шаклий ўхшатишлар асосида манзара яратиш санъати сифатида баҳолайди ва ижодкорнинг поэтик маҳорати шаклий ўхшатишга мос мазмун билан бойитилганида деб билади². Ушбу қарашларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, мазкур шеърлар моҳиятига қувноқ қахқаҳа ҳам синдирилганини таъкидлаш лозим. Шоир яратаётган манзараси фавқулодда юморга бойлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Зеро, юқордаги шеърда шоир шунчаки шеърый шакл яратмасдан, балки шунга мос юмористик оҳангга эга бадий маъно-мазмунни ҳам шеър маъзига жойлай олган. Бу поэтик топилма болаларда сўз санъатининг уфқлари нақадар кенг эканлиги хусусида тасаввур уйғотида ҳамда уларнинг маърифий-дидактик, эстетик диллари шаклланишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, баркамол инсон тарбиясида сатirik ва юмористик шеърларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Улар болаларнинг

¹ Ражабов Д. Отамнинг боғи. Шеърлар. – Тошкент: Қўллон, 1995. – Б.63.

² Қаранг: Баракаев Р. Жонажоним, шеърят. – Тошкент: Қўллон, 1997. – Б.68-70.

илм-маърифатга бўлган рағбатларини оширади, ўзлари ва агрофдагиларга, ота-она ва ўқитувчиларига бўлган муносабатлари хақида фикрлашга ундайди.

Бу типдаги шеърлар болаларда эстетик диднинг шаклланишига, уларнинг гўзалликни ҳис қилишларига ёрдам беради.

XX асрнинг 80–90-йилларида яратилган кўплаб туркум шеърлар болаларни табиат ва турли-туман нарса-ҳодисалар, жонотлар оламига олиб киради. Шеър матнида қўлланаётган арифметик рақамлар, сўз воситасида ясалаётган шакллар, топишмоқ шеърлар кичикнотойларнинг билим савиясини ошириш билан бирга, поэтик дунёқарашини ҳам кенгайтиради. Халқ мақолларининг ихчам шеър шаклида яратилиши ҳам болаларнинг эстетик дидини шакллантириб, табиат ҳодисалари билан алоқасини кучайтиришга хизмат қилади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

XX аср ўзбек болалар шеърляти минг йиллик бадий меросимиз чашмаларидан сув ичган, халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётнинг анъаналарини ўзида мужассамлаштирган, мавжуд энг яхши анъаналарни давом эттирган, шу билан бирга, уларни янгича тафаккур ва поэтик мазмун билан бойита олган шеърятдир. Т.Адашбоев, Р.Толипов, Қ.Ўтаев, А.Обиджон, А.Кўчимов, Ҳ.Имонбердиев, А.Ақбар, Д.Ражаб, К.Турдиева каби кўплаб истеъдодлар томонидан яратилган асарлар ушбу давр болалар шеърлятининг янги поғонага кўтарди.

Болаларга аталган асарларнинг каттагина қисмини сатирик ва юмористик шеърлар ташкил қилади. Сатира ва юмор адабиёт ҳамда санъатнинг доимий, ажралмас ҳамроҳидир. Бу адабиёт гўзалликни улугўлайди ҳамда кулли воситасида болаларнинг маърифий-эстетик дидини шакллантиради.

Ўтган асрнинг 80–90-йилларида болалар шоирлари томонидан кўплаб хажвий шеърлар яратилиши ўша тарихий ўтиш даври поэтик тафаккурининг маҳсули ҳисобланади. Бу давр болалар шеърлятида яратилган сатирик ва юмористик асарлар мавжуд ижодий анъана ва тамойилларнинг қонуний давомидир. Диссертацияда болалар шеърлятида сатирик образ яратишда шартлилик ва мажозийликдан қандай фойдаланилганлиги масалалари алоҳида йўналиш сифатида таҳлилга тортилди. Бунда сатирик кулли ҳосил қилувчи воситалар муайян шеърлий асарларнинг аниқ таҳлил ва талқини асосида кўрсатилди.

Юмористик образ яратишда шоирларнинг имкониятлари сатирик образ яратишга нисбатан кенгрокдир. Муаммо юзасидан олиб борилган тадиқкот натижасида юмористик кулли яратишнинг восита ва усуллари ижодкор маҳорати билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ўз исботини топди.

Сатирик ва юмористик асарларнинг маърифий-тарбиявий ҳамда бадий-эстетик қиммати хамиша долзарб бўлиб келганлиги хақида тегишли хулосалар чиқарилди.

Тадиқкот муаммоси бўйича олиб борилган таҳлил ва талқинлар асосида куйидаги хулосаларга келинди:

1. 80–90-йиллар болалар шеърлятида хажвий образ яратишда энг яхши анъаналар давом эттирилиши билан бирга, яратилаётган сатирик ва юмористик образлар поэтик кашфиёт даражасига кўтарилди.

2. Болалар шеърлятида сатира ҳамда юмор образлар ва бадий воситаларнинг аниқ бадий-эстетик мақсад йўлида хизмат қилишини таъминлайдиган, асарнинг таъсирчанлигини оширадиган омил вазифасини бажаради.

3. Бу давр болалар шеърлятида сатирик образ яратишда болалар хулк-атворида учраб турадиган куйидаги салбий хусусиятлар сатирик кулли воситасида фoш этилган:

а) ғийбат, чакимчилик, ёлгончилик, миш-мишлар, игво, очофатлик каби салбий хулклар болалар табиатига мос равишда сатирик йўсинда таъсирланган;

б) инсонларнинг табиатга бўлган шафқатсизларча муносабати сатирик образлар талқини орқали болалар руҳияти билан боғлиқ равишда кўрсатилган;

в) сатирик ва юмористик образларнинг характер-хусусиятлари турли мажозийлашган шартли бадий деталлар, ўхшатишлар, сўзларни кўчма маънода қўллаш, жонлангиришлар воситасида яратилган;

г) халқ оғзаки ижодида сатирик тимсолга айланган хайвон ва паррандаларнинг мажозий образлари воситасида порахўрлик, ёвузлик, мактанчоқлик, манманлик иллатлари сатирик кулли билан фoш этилган.

4. Бу давр болалар шеърлятида юмористик образ яратишда шоирлар фольклор унсурлари ва кувнок кулгидан самарали фойдаланиб, асосий эътиборни куйидагиларга қаратганлар:

а) болалар табиатида учраб турадиган баъзи бир қусурларни бегараз, кувнок кулли остига олиш;

б) турли-туман табиат ҳодисалари, хайвонлар, жониворлар, паррандалар, ўсимлик ва сабзавотларнинг мажозийлашган юмористик образлари воситасида хаёт билан чуқурроқ таништиришга ҳаракат қилиш билан асарларнинг бадий-эстетик қимматини ошириш.

5. 80–90-йиллар болалар адабиётлидаги сатирик ва юмористик шеърларда маърифий-дидактик ва бадий-эстетик руҳ устуворлик қилади. Жумладан:

– ўқувчилар кундалик хаётида фаол қўлланадиган ҳарф ва товушлар, рақамлар жонлангирилиб, улар воситасида юмористик характердаги маърифий хулосалар чиқарилади. Алфбо тартибдаги шеърларда ҳарфларнинг бадий талқини мисолида маърифий-тарбиявий гоя илгари сурилади;

– болаларнинг турли ўйинлари тасвири мисолида кичик китобхонларни маърифий-дидактик тарбиялаш назарда тутилади;

– юмористик образлар яратишда турли ракам ва шакллардан кенг фойдаланилади. Бу типдаги шеърларда болалар тасаввурини, нутки ва талаффузини яхшилашга катта эътибор қаратилган.

6. Болаларга бағишланган сатирик ва юмористик шеърларда кичиктойларнинг фель-атворидидаги майда-чуйда иллатлардан кўра ижтимоий тараққиётдаги янгиланишлар билан боғлиқ маънавий-ахлоқий муаммоларга кўпроқ эътибор берилган. Айни шу хусусиятлар эстетик тамойилга айланиб, истиқлол даври ўзбек болалар адабиётининг янгича тараққиёт тенденцияларини юзага келтирмоқда.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Юлдашева Г.А. Кўхна ва янги оҳанглар // Педагогик таълим. – Тошкент, 2001. - 6-сон. – Б.76-78.
2. Юлдашева Г.А. Рухият талқини // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2002. - 4-сон. – Б.50-52.
3. Жўраева Г.А. Фош қилиш санъати // «Таълим жараёнида фанлараро боғланиш масалалари бўйича педагогик шарт-шароитлар» мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент, 2007. – Б.51-53.
4. Жўраева Г.А. Маҳорат самараси // Филология масалалари. – Тошкент, 2007. - 1(14) сон. – Б.18-21.
5. Жўраева Г.А. Мажозий образ ва поэтик мазмун // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. - 1-сон. – Б.85-88.
6. Curayeva G. Özbek çocuk şiirlerinde hicvi ümsaller yaratmanın kendine özgü özellikleri // Türk dünyası incelemeleri dergisi. – Izmir, 2010. -№ 10- (1). – S.17 – 21.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабот Жўраева Гулноза Ахматованинг 10.01.01 – Ўзбек адабиёти ихтисослиги бўйича «Ўзбек болалар шеъриятида ҳажвий образ яратиш маҳорати (XX асрнинг 80–90-йиллари материаллари асосида)» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: болалар адабиёти, болалар шеърияти, образ, поэтика, ҳажвий образ, ҳажвий характер, сатира, юмор, ҳажв, мажозий образ, аллегорик образ, сатирик қаҳрамон, юмористик шеър.

Тадқиқот объекти: Т.Алашбоев, А.Обиджон, Қ.Ўтаев, Р.Толипов, А.Кўчимов, Д.Ражабов, К.Турдиева, А.Ақбарларнинг ўтган асрнинг 80–90-йилларида яратган асарлари ишга мана килиб олинди.

Ишнинг мақсади: Диссертациянинг мақсади сўнги давр ўзбек болалар шеъриятида ҳажвийликнинг ўзига хос табиатини ўрганиш, ижодкорларнинг ҳажвий образ яратиш борасидаги маҳоратларини тадқиқ этишдан иборатдир.

Тадқиқот методлари: XX асрнинг сўнги даври ўзбек болалар шеъриятида ҳажвий характер яратиш маҳоратини ўрганишда аналитик ва қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Диссертацияда ўтган асрнинг 80–90-йиллари ўзбек болалар шеъриятида ҳажвий образ яратиш муаммолари илк маротаба махсус монографик тарзда ўрганилди. Болалар адабиётидаги ҳажвий шеърларнинг бадий-эстетик ва тарбиявий қиммати мустақиллик мафкураси тамойиллари асосида поэтик маҳорат нуқтаи назардан яхлит жараён сифатида тадқиқ этилди.

Ишнинг илмий янгилиги сўнги давр ўзбек болалар шеъриятида ҳажвий образ яратиш муаммолари илк марта ўзига хос хусусиятларига кўра тадқиқ этилганлиги; шоирларнинг ҳажвий образ яратиш маҳорати қиёсий таҳлиллар асосида ўрганилганлиги ва ҳажвий асарларнинг маърифий-тарбиявий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан белгиланади.

Амалий аҳамияти: Диссертацияда эришилган натижалар ва илмий хулосалар ўзбек адабиёти бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб боришда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида XX аср ўзбек болалар адабиёти бўйича маърузалар ўқишда илмий асос вазифасини бажаради.

Ишнинг таъбиқ этилиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқотнинг хулоса ва натижалари бўйича илмий-назарий семинарлар ва анжуманларда маърузалар қилинган. Ишнинг асосий мазмуни юзасидан илмий журналларда 6 та мақола нашр этилган.

Қўлланиш соҳаси: Диссертациянинг материаллари ва натижалари адабиётшуносликка оид тадқиқотлар яратишда, филология соҳаси учун кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларида ўқув жараёнини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади ва маънавий кадрятлар тизимини кенг тарғиб қилишда фойдаланилади.

РЕЗЮМЕ

диссертации Жураевой Гулноза Ахматовны на тему: «Мастерство создания юмористического образа в узбекской детской литературе (на материале 80–90-х годов XX века)» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.01.01 – Узбекская литература

Ключевые слова: детская литература, детская поэзия, образ, поэтика, юмористический образ, юмористический характер, сатира, юмор, инсказательный образ, аллегорический образ, сатирический герой, юмористический стих.

Объект исследования: источниками работы явились работы Т.Адашбоева, А.Обиджона, К.Утаева, Р.Толипова, А.Кучимова, Д.Ражабова, К.Турдиевой, А.Акбара, созданные в 80–90-годы XX века.

Цель работы: изучение своеобразной природы юмора в узбекской детской литературе 80–90-х годов XX века, исследование мастерства создания юмористического образа творцов.

Методы исследования: в изучении мастерства создания юмористического характера в узбекской детской литературе конца XX века использовались аналитические методы, и методы сравнительного анализа.

Полученные результаты и их новизна: в диссертации впервые в монографической форме изучены проблемы создания юмористического образа в узбекской детской литературе 80–90-х годов. Художественно-эстетическое и воспитательное значение юмористических стихов для детей исследовались в качестве целостного процесса с точки зрения поэтического мастерства на основе принципов идеологии независимости.

Научная новизна работы определяется исследованием впервые проблем создания юмористического образа в узбекской детской литературе по своим специфическим особенностям; изучением, основываясь на методах сравнительного анализа, мастерства поэтов в создании юмористического образа и обращением особого внимания просветительно-воспитательного значению юмористических произведений.

Практическая значимость: результаты диссертационного исследования и научные заключения могут послужить основой для специальных исследований по узбекской литературе и в чтении лекций в учреждениях высшего и среднего специального образования по узбекской детской литературе XX века.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты и заключения диссертации излагались в докладах в научно-теоретических семинарах и конференциях. Основное содержание работы изложено в пяти журнальных статьях.

Область применения: материалы и результаты исследования могут быть использованы в исследованиях по литературоведению, в совершенствовании учебного процесса в образовательных учреждениях, готовящих кадры для филологической области, и в системе работ по пропаганде нравственных ценностей.

RESUME

The thesis of Juraeva Gulnoza Axmatovna on the scientific degree competition of the candidate of philological sciences on speciality 10.01.01 – Uzbek literature the theme “Skills creation of humor character Uzbek children’s poetry (the 80–90 ss of XX th century)”

Key words: children’s literature, children’s poetry, image, poetics, humoristic image, humoristic character, satire, humor, hypothetic image, allegoric image, satiric hero, humoristic poem.

Subject of research: the works which written the 80–90 ss of last century by T.Adashboev, A.Obidjon, K.Utaev, R.Tolipov, A.Kuchimov, D.Rajabov, K.Turdieva, A.Akbar have been based on source of research.

The aim of work: The aim of dissertation is to study its peculiarity of humor at Uzbek children’s poetry last period, to investigate the skills of creation of humor imagination by creators.

The methods of research: It has used the analytical and comparative analysis of studying the skills of creation humor character at Uzbek children poetry the last period of XX th century.

The results achieved and their novelty: It has been investigated in the dissertation the first time as a special monographic approach the problems of creation humor character Uzbek children’s poetry the 80–90 ss of last century. It has been carried out from the point of poetic skills on the base of principles of independence ideology its fostering and artistic esthetic value of humor poetry at children’s literature.

The novelty of the work has been investigated the peculiarities of creating problems of humor image at children’s poetry of last period; skills of creating humor image on the base comparative analysis by poets and it defines with special paying attention to the educational-fostering role of humor works.

Practical value: The results of achieved and scientific conclusions in the dissertation are the main purpose of studying and delivering lectures of Uzbek children literature of the XX th century at the higher and secondary specialized institutions as well as investigating the scientific works on Uzbek literature.

Degree of embed and economic effectivity: According to the results of research and its conclusions it has been made lectures at the scientific-theoretical seminars and conferences. Five scientific articles about the main content of research work have been published in the scientific journals.

Field of application: The results and materials of dissertation have played special role to promote educational process for the training philological sphere specially institutions as well as creating investigation works on literature, also it uses to propagandize widely the system of spiritual values.

Бошига рухсат этилди: 09.11.2010. Ҳисоб напирёт табоғи 1,5.
Шартли босма табоғи 1,5. Бичими 84X60¹/₁₆. Адади 100. Буюртма № 38
МСУ «FAN VA TA'LIM POLIGRAF» босмахонасида чоп этилди.
100170, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси 24-уй.